

# Наврўз

Аввал юрагингга мўралайди у,  
Сўнгра куртакларга ўргатади сўз.  
Заминнинг кўзидан қочади уйқу,  
Демак, Баҳор келди,  
Келмоқда Наврўз.

Қишнинг аҳволига боқиб, ҳойнаҳой,  
Юм-юм ёш тўкмоқда эриётган муз.  
Жилва қилаётир тенгсиз бир чирой,  
Демак, Баҳор келди,  
Келмоқда Наврўз.

Она бағри каби илиқдир олам,  
Ҳарир ҳовур ичра яйрар дала-муз.  
Қолди пучмоқларда хазон янглиғ ғам,  
Демак, Баҳор келди,  
Келмоқда Наврўз.

Яна кўнгишлардан рутубат кетди,  
Яна шуълалардан қамашмоқда кўз.  
Яна дилдорликнинг фурсати етди,  
Демак, Баҳор келди,  
Келмоқда Наврўз.

Наврўз мушоирасини 8-бетда ўқинг!



## Кун нафаси



### ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ СУДГА БЕРИЛГАН ШИКОЯТЛАР УЧУН ДАВЛАТ БОЖИ 50 ФОИЗГА АРСОНЛАШТИРИЛДИ

Ўзбекистон Президенти «Давлат божни тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонунни имзолади.

Қонунга кўра, эндиликда фуқаролар томонидан давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга аризалар (шикоятлар) берилган тақдирда, давлат божини белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдоридан тўланади.



### ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМҚОРЛИКНИНГ КЕЛГУСИ ЙўНАЛИШЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ ОЛДИ

Қирғиз Республикаси Хавфсизлик кенгаши котиби Марат Имонкулов бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида Тошкентда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хавфсизлик кенгаши аппарати ва Қирғиз Республикаси Хавфсизлик кенгаши котибияти ўртасидаги маслаҳатлашувнинг иккинчи давраси ниҳоясига етди.

Унда халқаро террор, экстремизм, трансмилий уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддалар ноқонуний айланмаси сингари минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ таҳдид, хавф-хатарларга қарши кураш бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув якунида Маслаҳатлашув Протоколи имзоланди.



### СЕНАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ПАРЛАМЕНТЛАРО ИТТИФОҚ АССАМБЛЕЯСИДА ҚАТНАШДИ

Олий Мажлис Сенати делегацияси Баҳрайн Қироллигининг Манама шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро иттифокнинг 146-ассамблеясида иштирок этди.

Халқаро тадбирда Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси М.Қодирхонова таҳдидларга қарши самарали курашни ва барқарор ривожланишни таъминлаш борасидаги муаммоларни ҳал этишда парламентлараро ҳамкорлик муҳимлигини таъкидлади.

Мажлис давомида Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Парламентлараро иттифок ўртасида ўзаро манфаатли соҳаларда ҳамкорликни янада мустақамлаш бўйича келишувга эришилди.



### ОЛТИННИНГ ТАСДИҚЛАНГАН ЗАХИРАЛАРИ 6,4 МИНГ ТОННАНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар марказининг маълум қилишича, мамлакатимизда рангли металлларнинг катта захираси мавжуд. Олтиннинг тасдиқланган захиралари 6,4 минг тонна, кумуш 24,6 минг тонна, мис 21,3 миллион тоннани ташкил этади.

Таҳлилчиларнинг ҳисоб-китобига кўра, 2030 йилга бориб мисга бўлган талаб 45 фоизга ўсиб, йилига 38 минг тоннага етади. Бу эса электромобилларга бўлган талабнинг ортishi ва «ашиш» тармоқ учун инфратузилманинг ривожланиши билан боғлиқдир.

# Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

2023-yil  
18-mart  
shanba  
№ 35-36 (4788)

Ўzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqa boshlagan

Нигоҳ

## Саҳифаларда



Аъзолар ҳамиша манфаатдор бўлишмоқда

3



Бобосига тортган бахши

5



Тадбиркорнинг яқин ҳамкори

7


## ВАТАН ИСТИҚБОЛИНИ ЎЗИМИЗ БЕЛГИЛАЙМИЗ

1  
Йил бошида Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти «2035 йилга бориб Ўзбекистон аҳолиси 45,6 млн. кишидан ошиши кутилмоқда» дея хабар тарқатди. Таҳлилларга кўра, ўша пайтгача мактабларда қўшимча 8,2 миллион ўқувчи ўрнини яратиш зарурати юзага келган.

Биргина шу жиҳат мамлакатимиз ва жамиятимиз бугун қандай янгилашни ва ўзгаришлар бўсағасида турганини яққол кўрсатиб бера олади. Ҳолбуки, мустақилликка эришилган 90-йиллар бошида мамлакатимиз аҳолиси сони 20 миллион атрофида эди. Албатта, демографиянинг бундай силтама динамикаси биз истаймизми ёки йўқ, ижтимоий ва сиёсий ҳаётимизга ўз таъсирини кўрсатиши табиий. Қолаверса, бугун дунёда кечаётган ва натижаларини олдиндан тусмоллаш жуда қийин бўлган геоиқтисодий ва геосиёсий вазият нафақат давлатимиз, балки минтақадаги «иқлим»ни кескин ўзгартирди, янги вазифа ва масалаларни юзага келтирди: глобаллашув жараёнлари жаллалашди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошлаган либерал ислохотлар эса мамлакат ички ҳаёти – жамиятда руҳий янгилашларга туртки бердики, бу одамлар тафаккури, турмуш шароитида ҳам ўз аксини кўрсата бошлади. Гарчи янгилашларни қабул қилиш, тан олишга баъзиларда ирода ва самимият етишмаётган бўлса-да, буюк Софокл «ҳақиқат доимо энг қудратли далил бўлиб қолаверади» деганидек, амалга оширилган ўзгаришлар турмушимизга ўзгача мазмун-моҳият бағишлаганини барчамиз кўриб, билиб турибмиз.

Кези келганда, мен ҳаётдан норози бўлиб тинмай ёзгирадиган, ўзларидан «ҳақиқатпарвар» ясаб олган баъзи ватандошларимизга биргина савол бераман: атиги етти йил олдин сизда од-



дий бир инсон ҳақли бўлган қандай ҳуқуқлар бор эди? Масалан, банк картасига тушган маошингизни нақдлаштиролмай, неча кун сарсон бўлгансиз ёки бугунгидек ижтимоий тармоқларга чиқиб, бемалол ўз фикрингизни эркин айта олгансиз, эркин интернет, деган нарсанинг ўзи бормиди, у замонларда? Албатта, бу келтирилган бўлган ўзгаришлар, яратилган имкониятларнинг мингдан бири. Қолаверса, ҳозир гап амалга оширилган ислохотларни санаш ёки кимнидир маломат қилиш ҳақида эмас, балки унинг ҳаётимиз ва дунёқа-

рашимизни ўзгартириб юборгани – сугестив характери ҳақида. Айтиш мумкин бўлса, жамиятимизда ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий зехниянинг ўзгариши жамият тафаккурини янгилади. Ва ўз ўрнида ушбу жиҳатлар том маънода ҳуқуқий пойдевор – конституцион янгилашларни амалга ошириш заруратини кун тартибига қўйди.

Мен амалдаги Бош Қонунимизни камситмаган ҳолда, кейинги пайтларда жамоатчилик орасида кўп ва ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган маъмурий бошқарувдаги бир нуқтага эътибор қаратмоқчиман: қа-

ронгача ҳокимлар ҳам ижро, ҳам вакилик ҳокимияти раҳбари бўлади? Таассуфки, амалдаги Конституцияда шу ва шунга ўхшаш ҳақли саволларга сабаб бўлувчи, бугунги ўзгариш ва янгилашларни тўла қамраб олишга, замонавий дунёда кечаётган глобал тамойилларни ўзига сингдиришга монелик қиладиган бўшлиқлар ҳақиқатан ҳам бор.

Шу маънода, бугун конституцион ислохотларнинг амалга оширилаётганини тарихий зарурат сифатида қабул қилсақ, адолатдан бўлади.

>>> 2



# ВАТАН ИСТИҚБОЛИНИ ЎЗИМИЗ БЕЛГИЛАЙМИЗ

<<< 1

2

Бир нарсани очиқ таш олишимиз керакки, халқ манфаати йўлида ислохотлар ўтказиш ҳар доим ҳам осон кечган эмас. Унинг йўлига қимдир гов қўйиши, қимдир дов бўлиши табиий. Бундай ҳолатларни ҳаётимизда кўриб ҳам турибмиз. Ҳаттоки, юрт тақдири, халқ тинчлиги билан боғлиқ бирор-бир муаммага энг оқилона ечим топган, натижаси мислсиз даражада самарали кечган масалада ҳам эҳтиром ўрнига таъноа дашном эшитишнинг ҳеч гап эмас. Беш қўл баробар бўлмаганидек, барчага бирдек ёқиш, манзур бўлишнинг мулақо имкони ҳам йўқ. Аммо Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан бошланган ўзгаришлар шабадаси халқимизга чинаяк эрк берди, унинг қаддини юксакка кўтарди. Халқимиз буни қалбдан ҳис қилиб турибди. Шунга яраша юқорида таъкидлаганимиздек, халқимизнинг таваққури, дунёқараш ҳам ўзгарди.

Ҳаётимизда бугунгача кечган ислохотлар кўпчилик ҳолларда бир характерга, масалан, маъмурий ёки маълум бир соҳа истикболини белгилашга қаратилгани билан кечшишга кўп бора гувоҳ бўлганмиз, лекин Ўзбекистонда 2016 йилдан бошланган ўзгаришлар бутунлай бошқача кифа касб этди. Ислохотлар марказида инсон тургани, қолган барча янгиланишлар мана шу олий қадрият – инсон омилни атрофида кечгани Президент Шавкат Мирзиёев сиёсатининг эзгу ва халқпарвар эканини таъминлаб берди.

Биз шундай даврларни бошдан кечирдикки, инсон қадрини ҳақиде гапириш ҳудди мутойибага ўхшаб қолганди. Инсоннинг ҳаёти, тақдири, қан-

яхши мисол бўлади. Бу, 2019 йилдан буён бир неча босқичда амалга оширилган «Меҳр операцияси» билан боғлиқ хотиралардир. Ушанда давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан юзлаб ватандошларимиз, асосан, аёллар ва болалар Яқин Шарқдаги куролли можаролар ҳудудидан юртимизга қайтарилган эди.

Бу ҳақда гап кетганда, биз биргина сўз билан «қайтарилди» деб осонгина тилга оламиз. Лекин бу операциянинг ортида қанчалик катта хавф ва машаққат турганини, қандай оғир ва қийин қарорлар қабул қилишга тўғри келинганини ҳамма ҳам тасаввур қилолмайди.

Шавкат Миромонович «Гарчи адашган бўлишса ҳам, лекин улар ватандошларимиз-ку! Улар учун ким билан бўлса ҳам музокара олиб боришга тайёрман», деб ҳақиқий миллий лидерларга хос жасорат ва қатъиятини намоян эфир эди. Ёрдамга муҳтож ҳар бир юртдошимиз, миллатдошимиз учун жон қуйди. Уларни Ватанга қайтарди. Фақат қайтариш билан чекланмади, оғир дамларни бошидан ўтказган ва инсонларга ҳукуматимиз томонидан тиббий, психологик, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Жамиятга мослашишлари, таълим, ижтимоий дастурларда иштирок этишлари учун зарур шароитлар яратилди, уларни бошлана ва иш билан таъминлаш чоралари қўрилди.

Шу эмасми, инсоннинг ўз юртида ҳақиқий қадр ва эътибор топанганини амалий далили ва ифодаси?

Донишмандлар айтганларидек, боланинг, юртдошининг бегонаси бўлмайди. Яқин Шарқ ва Афғонистондан ташқари, Украинада бошланган талотўплардан кейин 6 минг нафарга яқин юртдошимиз Ўзбекистонга олиб келинди. Ваҳоланки, 2016 йилгача чет элларда мурақаб аҳволга тушиб қолган ватандошларимизни юртимизга олиб келиш туғул, чорасиз қолган фуқароларимизнинг ҳатто ҳақ-ҳуқуқларига ҳам эътибор қилинмас эди.

Бундай нозик ва мурақаб масалада қатъият билан қарор қабул қилиш ҳазиллакам жасорат ва сиёсий иродани талаб этадими? Уша болаларнинг бахтиқаро оталари ўзга юртларда катта эҳтимол билан кафансиз қумилгани, оналари эса

тутқунликда нечоғлиқ оғир аҳволда эканини ҳаёлга келтиришнинг ўзи даҳшат-ку ахир!

Дунё донишмандлари яна бир фикрни алоҳида таъкидлайдилар: ёруғ дунёга келган ҳар бир бола бахтилай бўлиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун ўзини ҳурмат қилган ҳар бир давлат зиммасига маълум бир мажбуриятларни олади ва бажаради ҳам.

3

Қабул қилинаётган янги Бош қомусимизни чин маънода халқ конституцияси, десак менимча, ҳеч ким эътироз қила олмас керак. Зотан, мазкур лойиҳа бўйича ўтказилган умумхалқ муҳокамаларида деярли бутун халқимиз иштирок этди ва улар томонидан жами 222 минг 715 та таъкиф келиб тушди.

Мен комиссия аъзоси, қолаверса, узоқ йиллар давомида давлат ва жамоат ишларига ишлаган, етарлича ҳаёт тажрибасига эга бўлган бир инсон сифатида янги тахрирддаги Конституциямизга киритилаётган ўзгаришларнинг энг муҳимлиридан бир нечтаси ҳақида фикр юритмокчиман.

Мақола аввалида бекорга Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институтининг демография бўйича таҳлилларини келтирдим. Зотан, бугун мамлакатимиздаги аҳоли ўсиши дунё даражасида энг юқори ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Прогнозларга кўра, 2035 йилга бориб, 7-17 ёш оралиғидаги болалар сони 9 миллион 737 минг нафарни ташкил этади. Бу ҳисобга 17-30 ёшгача бўлганларни ҳам қўшса, миқдор қанчага кўтарилишини тасаввур қила олсанми?..

Кувонарлис, янги Конституциямизда айна шу жиҳат муҳим омили сифатида ҳисобга олинди ва алоҳида боб даражасига олиб чиқилди. Бу, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда ёшлар сиёсатига устувор аҳамият берилётганини кўрсатади, албатта.

Муҳокамаларда депутатларимиз, ишчи гуруҳ аъзолари ва экспертлар 2040 йилга бориб, мамлакатимиз умумий аҳолисининг 25 миллионини ёшлар ташкил этишини ургунлар экан, ўсиб келаётган авлод учун иш ўринлари яратиш, уларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириш, ижодий-интеллектуал қобилият ва истеъодларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш мажбуриятининг давлат ўз зиммасига олаётгани ёшларимизнинг имкониятларини тез ва ортиқча тўсиқларсиз амалга оширишини таъминлашга хизмат қилишини бирдек эътироф эттишти.

Ҳақиқатан ҳам, бугун жамиятда ёшларнинг ўрни катта. Авлодлар алмашинуви кечаётганини барчамиз яхши ҳис этиб турибмиз. Шу маънода, мазкур масала тараққиётимизнинг муҳим фактори сифатида кўрилоб, асосий қонунимиздан унга алоҳида боб ажратилгани, биринчидан, Президентимиз бошланган сиёсатда ёшлар, келажак авлод, лўндароқ айтганда, жамиятдаги демографик вазият ҳисобга олинган бўлса, иккинчидан, бошланган ишлардан ортага қайтмаслик, умумсиёсат ва иқтисодийдаги маъмурий қадимчилик (консерватизм)дан воз кечиб, либерал ислохотлар сари дадил қадам ташлаш шах-дини ифода этади.

Давлатни, эркин жамиятни шакллантириш шундай жараёнки, унга баъзан йиллаб вақт сарфланади. Бизда ҳам мустақил бўлганимизга гарчи 30 йилдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, баъзи сабабларга кўра, ортага сурилиб, ҳал бўлмади қолаётган муаммолар, масалалар бор эди. Ачинарлики, конституциямиздаги «бушлиқ»ларнинг деярли барчаси тараққиётимизга, замонавий дунёга интeграциялашувиимизга ҳалал берадиган тоифага мансуб эди, десак, ҳеч адашмаган бўламиз.

Мана, масалан, сўзимиз аввалида тилга олган давлат бошқарув тизимидаги ҳокимларга берилган қонуний ваколатлар масаласи. Шу масала,

адашмасам, 30 йилдан буён кенг жамоатчилик, халқимиз томонидан кескин мунозараларга сабаб бўлиб келаётган эди. Референдум – халқимиз танловига қўйилган Бош Қомусимиз лойиҳасида мазкур масаланинг адолатли ечимига ҳам алоҳида эътибор қаратилди: эндиликда янги Конституциянинг XXI боб, 120-моддасига асосан, ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиш институтидан воз кечилди.

Мазкур ўзгариш маҳаллий даражада ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалга ошириш, ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиш институтини туғатиш давлат бошқаруви тизими янгиланишининг мантиқий давоми бўлади. Амалдаги қонунимизга кўра, мазкур масалада вазият қандай эди? Тартиб шундай эдикки, ҳоким маҳаллий бошқарувдаги ҳар икки институтга ҳам бевосита раҳбар, ижро ҳам, назорат ҳам унинг ўзида эди. Яъни, мен ўзимга ўзим режа тузаман, ўзимни ўзим текшираман, мабодо иш пачава бўладиган бўлса, киши билмас ҳолда ўзим тўғрилаб қўяман. Халқ тилида айтганда, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверади. Бу ерда тафовутни кўрмаясизми?

Яна бир масала. Бугун мамлакатлар, кенг маънода айтганда, инсоният ва она заминимизнинг тақдири кўп жиҳатдан экология билан боғлиқлигини бутун дунё олимлари, сиёсатчилари бирдек эътироф этишмоқда. Жаҳоннинг жамики давлатлари, бурчларига хавф солаётган ушбу муаммо бизга ҳам бегона эмас. Бунга мисол сифатида ўтган асрнинг сўнггида қурйиб бошлаган ва ҳақли равишда «аср фожиаси» дея аталган Орол муаммосини келтиришимиз мумкин. Зотан, айна экологик таназзул мамлакатимиз, халқимиз келажиги ва истикболига етарлича муаммо туғдириши билан биз учун ўта долзарб саналади.

Қанчаларди катталиги бўйича дунёда тўртинчи ўринда турган қўл бугунга келиб, деярли йўқолди, унинг ўрнида эса майдони 5,5 миллион гектардан иборат сахро – Оролқум пайдо бўлди. Шамол бу ердан йилга юз миллион тоннагача кум ва тузи кўтариб, юзлаб километрга учиради. Бу, айниқса, Оролбўйида яшаб келаётган туб аҳоли учун ниҳоятда оғир синовдир. Аҳоли, биринчи галда, давлат томонидан қўрсатилмаган ёрдам ва кўмакка жуда муҳтож.

Ҳозирда айнан Президентимизнинг ташаббуси билан Оролбўйи аҳолисига керакли барча ёрдам кўрсатилмоқда, денгизнинг қуриган қисмида қасовулзор ва яшил ҳудудлар яратилмоқда. Табиатдаги глобал иқлим ўзгаришлари, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазиятнинг тобора кескин тус олаётгани экологик хавфсизлигини фоят долзарб масалага айлантирди. Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги тақлифлари ҳам халқаро жамоатчиликнинг эътирофига сазовор бўлди.

Гап Оролбўйи ҳақида кетганида, Юртбошимизнинг тақлифи асосида 2018 йилда Нью-Йоркда БМТ томонидан Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп шериклик асосидаги Траст фонди ташкил қилинганини алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

Мазкур фонднинг мақсади халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва донор ҳамжамиятини маблағларини Оролбўйи минтақасидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга қаратилган мурақаб чора-тадбирларни амалга оширишга сафарбар этишдан иборатдир.

Умуман, Шавкат Миромонович дунёдаги энг нуфузли ташкилот минбаридан туриб, глобал ва минтақавий аҳамиятга молик бир қанча муҳим ва долзарб ташаббусларни илгари сурдикки, улар халқаро миқдсда юксак эътироф этилиб, қўллаб-қувватланмоқда.

Айтиш жоизки, янги Ўзбекистон етакчисининг халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳоланаётган ислохотларидан яна бири, ҳеч шубҳасиз, бу – қишлоқ хўжалигида болалар меҳнати, аёлларни оғир ва хатарли меҳнатга жалб этиш, мажбурий меҳнат каби нохуш ҳолатларга буткул барҳам берилганидир.

Ўзага келган ҳолатлар туфайли ўзбек пахта-сиға глобал байкоқ эълон қилиниб, дунё тўқима-чилик бозори иштирокчилари томонидан турли иқтисодий чекловлар қўйилган эди. Эндиликда уларнинг барчаси тарихга айланди. Ислохотларнинг янги даврида бошқа соҳалар қаторида аграр жабҳа ҳам модернизация қилиниб, соҳага бозор тамойиллари амалда жорий этилди. Натижада қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг инновацион модели бўлган кластер усулига ўтилдики, бунинг ҳисобидан соҳанинг инвестициявий жозибадорлиги ортди, йиллар давомида эътибордан четда қолиб келган пахтачилик тармоқи юртимиз ва хорижий инвесторларнинг назарига тушди. Қишлоқ хўжалиги, ер ўз эгасини топиб, саноатлаша бошлади.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг кластер тизимига ўтиш ҳақидаги ғояси замирида, аввало, қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш, чекка ҳудудларда замонавий фабрикалар бунёд этиб, аҳолининг бандлигини таъминлаш, ҳаёт даражасини оширишдек эзгу мақсадлар мужассам. Агар ўтган олти йилни таҳлил қиладиган бўлсак, бунинг амалдаги тасдиғига гувоҳ бўламиз.

Гап шундаки, бугунги кунда республикамизда 134 та пахта-тўқимачилик кластери фаолият юротаётган бўлса, улар томонидан етиштирилган пахта толаси кластер корхоналарининг ўзларида 100 фоиз қайта ишланмоқда. Ваҳоланки, бундан беш йил аввал ушбу кўрсаткич 40 фоиз эди, холос.

Энг асосийси, кластерлар шарафати билан бошқа соҳа вакиллари қишлоқ хўжалиги юмушларидан озод қилинди. Ҳамма ўз иши билан шуғуллана бошлади. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражаси ортиб, қўл меҳнати тобора қисқартирилмоқда. Бир пайтлардагидек, талабалар бюджет ташкилотлари ходимларини далага чиқариш бутунлай барҳам топди.

Бу эса дунё ҳамжамияти, хусусан, «Cotton Strip» халқаро коалицияси томонидан тан олинмиб, ўзбек пахта-сиғаси нисбатан эълон қилинган бойкоқ бекор қилинди. Яъни, 12 йил давомида амалда бўлган чеклов ечилиб, оқ пахтамиз «қора рўйхат»дан чиқарилди. Бу тўқимачилик маҳсулотларимиз учун дунё бозорлари очилганидан далолатдир.

Президентимиз бу ҳақда тўхталиб, «Неча



Қудратилла РАФИҚОВ, сиёсатшунос

йиллардан бери пахтадан манфаат кўрмадик. Пахтаимизнинг ранги оқ эди, лекин номи «қора» бўлиб юрди. Биз бунинг учун қанча қийналдик. Агар сиёсий ирода бўлмаганида шу нарсага бўлармиди? Лекин бу – кураш. Кеча телевизорда кўрсатди, ўзининг, юртининг қадрига етган одам хурсанд бўлиб йиғлади. Миллатимизнинг қадр-қиммати бу» деганларида минг қарра ҳақ эди.

Мен энг долзарб экологик муаммоимиз «Орол фожиаси» ва пахта номенклатураси, яъни айнан шу зиротчилик эканини етиштиришда йўл қўйиладиган мажбурий меҳнат, агар лозим бўлса, айтиш мумкинки, юз йиллар халқнинг шурини қуритган, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод, болаларимизнинг таълим олишига, эмин-эркин ўсиб-ўлғайишига имконият яратиш келган сиёсат ва бу тизимнинг қисқа муддат ичида адолатли ислоқ қилингани ҳақида бекорга гапирмадим. Зотан, айна шу икки масала бўйича ҳам янги тахрирддаги Конституциямизда ҳуқуқий қоидалар берилганди. Чунончи, унинг 44-моддасида «Болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, ақли ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан, унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллар таъқиқланади» деб ёки экологик муаммо бўйича мазкур Қонуннинг 49-моддасида «Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир қўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шахарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади» ва яна шу моддада «Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўради» деб киритилди.

Бизга унчалик янглик бўлмаган ушбу муаммоларнинг асосий Қону-

нимизга темир қоида сифатида киритилаётганидан юқорисида келтирганимиздек, шу нарсадан яна такрор бўлса-да, айтмоқчиманки, бу ўзгаришлар баъзи бировлар йаътиганидек, хорижий давлатлар ёки ташкилотларнинг «кўзини шамғалат» қилиш ёки уларга ёқиш учун эмас, балки узоқ йиллар ўйланган, халқимизнинг ҳоши-иро-дасини ёрқин ифода этадиган масалалардир. Агар яхшилаб эътибор берсангиз, шу икки улан, узоқ йиллар мобайнида ҳал этилмай, халқимизнинг ҳаёт тарзи, туриш-турушига жиддий таъсир қилиб, янги ислохотларнинг йўлига тўғноқ бўлаётган муаммолар Президентимиз бошқарува келган илк кунларданок мамлакатимиз сиёсатининг устувор максадларида мазкур масалаларни ечишининг ҳуқуқий-иқтисодий асослари яратилди. Ва ундан кейин Бош Қону-нимизга қоида сифатида киритилмоқда. Зеро, бундай халққа қарши ишлаган сиёсатга, тизимга энди қайтмаймиз, дегандай. Аслини олганда, Қону-нимиздаги шу «детал»нинг ўзи ҳам «ижтимоий давлат» тушунчасини тўлдиришга, қувватлашга қаратилгани билан ғоятда аҳамиятлидир.

4 Янги тахрирддаги Конституциямиз лойиҳаси Парламентда тасдиқланиб, матбуотда эълон қилинганга ҳам мана, бир неча кун бўлди. Мен халқнинг, элнинг ичида юрган бир одам сифатида айтишим мумкинки, одамларимиз конституцион ислохотлардан рози. Кўпчилик, унга кўн-лимдаги, мени узоқ вақтдан буён қийнаб юрган масалалар модда сифатида киритилибди, деса, яна баъзилар, комиссияга йўлланган тақлифимни ушбу қонунда кўриб, очиги, кўзимга ёш келди, биз каби оддий одамларнинг ҳам хоҳиш-иродаси, фикри ҳисобга олинадиган замоналарга ҳам келарканмиз-ку, дейишмоқда хурсандчиликларини яширмай.

Сиёсий лисонимизда эскидан қолган бир қоида бўлардики, у мудом жамиятни давлатдан ажратиб кўрсатиш, ҳукмрон мафкура ёки сиёсат тираниясини ўзида ифода этаётгандек туюларди. Масалан, «...Юртбошимиз муаллифи бўлган ёки у кишининг раҳбарлигида, хоҳиш-истаги ва раҳнамолигида» деганга ўхшаб иборалар фақат бир нарсга, жамиятнинг иккинчи планда туришига ишора қиларди.

Бу гагли ўзгаришлар эса олдингиларидан фарқли равишда, шафдофликда, жамиятнинг кўз ўнгида, халқимизнинг бевосита ишти-рокида ўтгани билан ҳам ўтмишдагиларидан фарқ қилади. Ҳақиқатан ҳам, илгарилари бундай муҳим ҳужжатлар ёки бевосита давлат ва жа-

мият ҳаётига оид сиёсий қарорлар асосан ҳуку-мат ҳужжраларида, ёпиқ эшиклар ортда ими-жи-мида ҳал этиларди. Бу сафарги лойиҳа муҳока-маси Парламентнинг ҳар икки палатасида очиқ муҳокама қилинди ва бу мунозаралар телеви-дение ва бошқа оммавий ахборот воситалари томонидан тўғридан-тўғри олиб кўрсатилди. Яъни ҳеч бир иш халқимиздан аширинча, «енг ичида» амалга оширилмади. Қолаверса, кенг халқ муҳокамасига қўйилишида ҳам худди шун-дай йўл тутилди. Аҳоли асосий Қонунимиз бўйи-ча ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди, комис-сия томонидан зарур, деб топилган тақлифлар қабул қилинди. Шу маънода, ушбу Қону-нимизнинг ижодкори халқимизнинг ўзи бўлди, Конституциямиз чин маънода ХАЛҚ КОНСТИТУ-ЦИЯСИГА айланди, десак адолатли гапни айтган бўламиз. Бу жуда атак ва муҳим фактор.

Балким, атрофда ушбу ўзгаришлар жараё-нига истехзо билан қараётганлар ҳам топи-лар. Бундай кимсалар ҳар доим, ҳар бир жа-миятда бўлган ва бундан кейин ҳам бўлишига шубҳа қилмайман. Уларга берадиган жавобимиз битта: агар ҳукумат хоҳлаганида ёки нимадан-дир ҳадиксирганида шунча вақт, маблағ сарф-ламасдан бу масала, яъни конституциявий ис-лохотларни референдум йўли билан эмас, балки амалдаги Конституцияга биноан тинчгина, улар ўйлагандек бевахтовир ва бехаражат ўтказиши ҳам мумкин эди. Хабари бўлмаганларга эслата-мики, ҳозир амал қилётган Бош Қомусимиз-нинг 127-моддасида қуйидаги қоида муҳрлан-ган: «Ўзбекистон Республикасининг Конститу-циясига ўзгартиришлар тегшинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умум-ий сонининг камиди учдан икки қисмидан ибор-ат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади».

Бизда нима бўлди? Барчаси очиқ-ошкор, халқимиз билан маслаҳатлашилган, кенгашлан-ган ҳолда амалга оширилди. Мазкур Қонунга асосан ижтимоий тенглик принципи мулақо адолатли мезонга олиб чиқилди.

Шу ўринда бўлажак янги Қонунимизнинг қам-бимда чуқур ҳурмат уйғотган яна бир муҳим жиҳатини айтишни ўринли, деб билим. Бу, бевоси-та давлат ва жамият орасидаги қўбланишнинг йўқолаётгани билан боғлиқ масалалар. Масалан, янги Қомусимиздаги ўзгаришлардан кўзда тутил-ган асосий мақсад, сиёсий элитага устувор қадри-ятлар яратиши эмас, жамиятни ҳимоя қилишга қаратилгани билан ғоятда аҳамиятлидир. Дейлик, юқоридега эслганимиздек, ҳокимиятнинг бўлиниш принципи ёки юксак мартабали лавозимларга бир номзоднинг икки мартадан ортик сайланмаслиги адолат ва демократик тамойилларга мулақо мос келади ва бу жамиятимиз, биргаликда барпо этаётган Янги Ўзбекистонимизнинг ёрқин истикбо-лга хизмат қилади.

5 Сиёсатчилар ўртасида «кечувда отни ал-маштирмайдилар», деган машҳур гап бор. Бугунги кунда Ўзбекистонимиз, таъбир жоиз бўлса, мана шундай катта ислохотлар, янгиланишлар жараёни билан юзма-юз турибди. Халқимизни асов тўлқин-лар, чуқур гирдоблар орасидан соғ-омон олиб ўтиш, албатта, осон эмас. Бунинг учун бизга фоят тажрибали ва узоқни кўзлаб иш тутадиган, кеча-ю кундуз эл-юрт ташвиши билан яшайдиган дониш-

СИЁСАТЧИЛАР ЎРТАСИДА «КЕЧУВА ОТНИ АЛ-МАШТИРМАЙДИЛАР», ДЕГАН МАШҲУР ГАП БОР. БУГУНГИ КУНДА ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ, ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА, МАНА ШУНДАЙ КАТТА ИСЛОХОТЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАР ЖАРАЁНИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ ТУРИБДИ. ХАЛҚИМИЗНИ АСОВ ТЎЛҚИНЛАР, ЧУҚУР ГИРДОБЛАР ОРАСИДАН СОҒ-ОМОН ОЛИБ ЎТИШ, АЛБАТТА, ОСОН ЭМАС. БУНИНГ УЧУН БИЗГА ФОЯТ ТАЖРИБАЛИ ВА УЗОҚНИ КЎЗЛАБ ИШ TUTADIГАН, КЕЧА-Ю КУНДУЗ ЭЛ-ЮРТ ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАЙДИ-ГАН ДОНИШМАНД ЙЎЛБОШЧИ КЕРАК.

манд Йўлбоши керак. Барчамиз яхши хабардор-мизки, янги Конституциямизда Президентлик муд-датини белгилаш бўйича ҳам модда киритилган. 65 фоизи ўзгарган Қонунда ушбу модданинг ҳам янгиланиши, бугун дунёда, минтақамизда ва мам-лакатимизда кечаётган жараёнларга ҳамоханг тарзда тахрир қилиниши, ўйлайманки, демократик қадриятлар, қолаверса, адолат нуқтани назаридан ҳам мақсадга мувофиқдир.

Мен сўзим сўнггида шуни алоҳида айтишни истардимки, халқимиз эътиборига тақдим этилган Қонун ҳаққи маънода ота-боларимиз, ҳаёти сарсону саргардонликда кечган аждо-ларимиз, умри ва шаъни узоқ йиллар камситил-ган халқимизнинг асрий орузи сифатида дунёга келди, десам янгиланмаган бўламан. Зотан, маз-кур конституциявий ислохотлар замирида, ав-вало, юртдошларимизга муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини яратиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўлим ҳазосини тақиллаш, хусусий мулк ҳуқуқини кафолатлаш, қийноққа солин-ларнинг олдини олиш, суд қарорисиз мажбу-рий ушлаб туришга барҳам бериш, таъзилар, таъқирларга чек қўйиш, тадбиркорлик йўлида ров бўладиган ҳар қандай иллатлар билан му-роса қилмаслик каби ўнлаб инсонпарвар мақ-садлар мужассамлашгани бу ислохотлар аввало, инсон учун, халқимиз тараққиёти учун хизмат қилишини яққол намоийш этади.

Мен шу азиз Ватаннинг фарзанди сифатида халқимизни, айниқса, ёшларимизни мамлақати-миз Конституциясини ислоқ қилиш бўйича қўблани-ладиган референдумда фаол иштирок этишга ҳамда янгиланаётган Бош Қонунимизни қўл-лаб-қувватлаш овоз беришга чакирман.

Ҳеч қачон унутмайлик, ана шу муҳим сиёсий тадбирдаги фаол иштирокимиз билан барчамиз Янги Ўзбекистонимиз пойдеворини янада мус-тақамлаш, халқимиз, фарзанд ва набираларимиз учун янада тинч, эркин ва фаровон ҳаёт яратишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.



Хоразм  
вилояти

## Аъзолар ҳамиша манфаатдор бўлишмоқда

Янги йил арафасида Хонқа туманида «KHOREZM TEX» кластери ташаббуси билан «KHOREZMTEX FASHION» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилган эди. «Қишлоқ қурилиш банк» Хоразм вилояти ҳудудий филиалидан 375 минг доллар маблағ ва 432,1 минг доллар қийматида асбо-уқсуналар кредити ҳамда 15 фоиз ўз маблағлари ҳисобига 500 иш ўрни яратиш кўзда тутилди.

Бу каби корхоналарнинг фаолият кўрсатиши юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутди. Фақат ... масаланинг бир жиҳати борки, ҳамма иш берувчилар ҳам ходимлар манфаатини устувор санамайди. «Фалон сўм кредит олганман» дея ўз фойдасини устун қўйдиганлар ҳам йўқ эмас. Натижада ходимлар қулай бўлмаган шароитларда кам иш ҳақи ҳисобига ишлашга мажбур бўлишади. Бундай ҳолатга йўл қўйилмаслиги учун ходимларга касба уюшмасининг кўмаги зарур. Агроеканот мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Шавкат Сафарбоев вилоятнинг қайси ҳудудида янги корхона ташкил қилинса, ходимлар, фаол бошланғич ташкилотлар етакчилари билан бирга бориб, аъзолик афзалликлари ҳақида суҳбатлашади. Ишчи-хизматчиларни аъзоликка даъват қилади. Бу гал ҳам шундай бўлди. «KHOREZMTEX FASHION» МЧЖга келиб, янги иш бошлаган хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

«Хар ойда ойлигимиздан бир фоиз тўлаймизми? Бир йилда 200 минг сўмдан ошаркан-у. Йўғ-е, керакмас». «Бу пулга бир сидра кийим олиш мумкин...». «Болаларимга ўқув қуроллари олиб бераман...». «200 минг сўмга гўшт олсам бир ҳафта еймиш», дея эътироз билдирганлар ҳам бўлди, албатта.

– Шундоқ ҳам ходимларимиз 12 фоиз со-

лик тўлашади. Яна бир фоиз қўшилса жабр бўлмасмикан... Мен ходимларимга босим ўтказма олмайман... – бош чайқади иш берувчи. – Ҳеч кимга ҳеч қанча жабр бўлмайди, – деди Шавкат ака. – Бир фоиз бадал пули эвазига қанча манфаатдор бўласиз. Санаторийда имтиёзли дам оласиз, фарзандларингизни ёзда оромгоҳларга юборасиз, бепул иш кийими билан таъминланасиз. Жамоа шартномасида ходимлар учун жуда кўп имтиёзлар борлигини айтмайсизми...

Ишчи-хизматчилар ўйлаб кўришга келишди. Орадан бир ҳафта ўтиб Шавкат ака корхонага яна ташриф буюриб, ишчи-ҳодимларга касба аъзолиги нима беришини яна ётиги билан тушунтирди.

– Меҳнат таътили Меҳнат кодексига 15 кун қилиб белгиланган. Жамоа шартномасига кўра, ходимга қўшимча таътил берилиши мумкин. Мана шу қўшимча таътилни ўзидаёқ бадал пулларингизни қайтариб оласиз. Касба уюшмаси бор ташкилотда меҳнат қончилигига риоя қилиш юзасидан жамоат назоратини йўлга қўйиш имкони бўлади.

Тарғибот тадбирларидан сўнг ишчи-ҳодимлар касба уюшмаси атрофида бирлашишни аниқлаб етишди. Гулсара Рўзимова бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси этиб сайланди. Жамоа шартномаси имзоланди. Корхона таъсисчиси Машраб Саидов,

директор Темур Розумов жамоа шартномаси шартларини пешма-пеш бажаришга киришди. Бугунги кунда корхонада 4 та автобус ходимларнинг бепул ишга келиб кетишини таъминламоқда. Ходимларга бепул иш кийимлари берилди. Бепул тушлик ташкил қилинди ва бирламчи тиббий хизмат йўлга қўйилди.

– Ойига 50 тонна маҳсулот ишлаб чиқариб сотиш ва ундан 150 минг АҚШ доллари миқдорида даромад топишни режалаштирганмиз, – дейди корхона директори Темур Розумов. – Албатта, бу мақсадларга ходимларимиз билан баҳамжиҳат эришамиз. Ҳар бир ишловчи корхонамизни ўз уйддек қабул қилишини истаймиш. Бунинг учун барча шароитларни яратиб беришга тайёрмиз. Касба уюшмалари билан ҳамкорлигимиз эса хайрли бўлмоқда. Биринчи чоракда маҳсулотларимизни экспорт қилиш бўйича хориж корхоналари билан жами шартномалар имзолашга муваффақ бўлдик ва буюртмаларни қабул қилдик. Келгусида экспорт ҳажмини янада кўпайтириб, сифатли маҳсулотларимиз билан Европа давлатларининг рақобатдош вакиллари қаторида жаҳон бозорида ўз ўрнимизга эга бўлишни белгилашни мақсад қилганмиз.

Корхона бош технологи Шоҳида Арзикулова ўз касбининг устаси. Янги фояларни татбиқ қилишдан чарчамайди. Ишлаш истагидаги қизлар унинг бошчилигида шу ерда бир ҳафта бепул ўқитилади. Тикишни ўрганганлар ишга қабул қилинади.

– Касба уюшма таклифи билан тикишни яхши ўрганолмаганларга яна бир имкон бериб кўраймиш, – дейди бош технолог. – Улар чаққон қизларга шогирдикка ёлланаётир. Натижада иш сўраб келганларнинг кўпчилиги ишга қабул қилинапти. Январь ойида ходимларимиз сони 160 нафар эди. Ҳозир 260 дан ошди.

Бош технолог иш сифатини яхшилаш мақсадида ҳар ойда «Энг яхши бичувчи», «Энг яхши тикувчи» каби танловлар ўтказишни таклиф қилди. Касба уюшмаси бу таклифни қўллаб-қувватлади. Илғорлар касба уюшмаси ҳисобидан рағбатлантирилди.

Уюшмага жалб қилинганига бир ҳафта ўтмасидан корхонанинг икки нафар ходими касба уюшма кўмагида Тошкент шаҳрида саёҳатда бўлиб қайтди.

Наврўз байрами арафасида иш берувчи томонидан ходимлар учун байрам дастурхони ёзилди. Темурбекнинг ўзи елиб-югуриб хизматда турди. Масъул ташкилотчи корхонага кучоқ-кучоқ гуллар билан кириб борди. Самарали ҳамкорлик ва ходимларга бўлган эътибор учун иш берувчига касба уюшмаларининг ташаккурномаси тақдим этилди.

Янги корхонада касба уюшмаси ва иш берувчи ҳамкорлиги тобора мустақамланмоқда. Бундан эса ходимлар фақат ва фақат манфаатдор бўлишапти.

Мўҳаббат Тўрабоева  
«ISHONCH»

Лавҳа

Бухоро  
вилояти

Меҳнат ҳуқуқ инспекторининг бир кун

## ТАЪРИФДА БИРОЗ АДАШДИНГИЗ

Жума кун яхши кайфиятда ишга бордим. Хизмат хонасига кирар чоғи қўл телефоним жиринглади ва аёл кишининг овози эшитилди: «Ассалому алейкум, сиз Меҳнат кодексиданмисиз?» Аввалига таажжубландим, ҳаяжон аралаш ёки шошилишда берилган бу сўроқнинг маъносини фаҳмлагач: «Меҳнат кодексидан эмас, касба уюшмалариданман», деб жавоб қайтардим.



– Касба уюшмаларидан бўлсангиз яна ҳам яхши, – сўзида давом эти аёл. – Сизга саволим бор эди. Ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиққан, қўлида меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бўлган аёлнинг ишлашга ҳаққи борми?

Унга меҳнат қончилиги асосида масала юзасидан тушунтириш бердим. Суҳбатдошим олган маълумотларидан қониқиш ҳосил қилди шекилли, миннатдорлик билдириб хайрлашди.

Сўнгра ҳужжатларни кўздан кечириб, бугунги ишларимни режалаштира бошладим. Шу пайт эшик тақиллаб, ёш аёл ва эркак кириб келди. Уларни ўтиришга таклиф қилгач, муддаолари билан қизиқдим. 35 ёшлар атрофидаги эр-хотиннинг иш берувчи билан ўрталарида келишмовчилик юзга келганини тушуниш қийин эмасди. Маълум бўлдики, аёл Бухоро шаҳридаги оилавий поликлиникалардан бирида бир ҳисса ҳисобидан ишлаб келган. Бироз муддат бола парвариши таътилида бўлиб, яна ишга қайтган. Аммо иш берувчи уни тўлиқ эмас, 0,5 ҳисса иш билан таъминлаган. Табиийки, аёл бундан норози. Муаммони тинглагач, аввало, меҳнат қончилиги асосидан ҳақ-ҳуқуқларини тушунтирдим. Сўнгра телефон орқали иш берувчи билан мулоқот қилдим. Ҳайриқонуний ҳолат юзга келганини айтиб, уларни бирма-бир санадим. Иш берувчи тезда масалани ҳал этишини тездирди. Мурожаатчилар хонадан севиниб, яхши кайфиятда чиқиб кетишди.

Соат 11.00 да фуқаролик ишлари бўйича Ёшдувон туманлараро судида бўладиган суд жараёнида иштирок этишим керак. Йўл узок, тезроқ ҳаракат қилсам бўлмайди. Йўл-йўлакай бугун суд ишида кўриладиган ҳужжатларни кўздан кечирдим. Дарвоқе, Ёшдувон туман санитария-эпидемиологик оқсоқиллик ва жамоат саломатлиги бўлимнинг бактериология ла-

суд жараёнида иштирок этишим керак. Йўл узок, тезроқ ҳаракат қилсам бўлмайди. Йўл-йўлакай бугун суд ишида кўриладиган ҳужжатларни кўздан кечирдим. Дарвоқе, Ёшдувон туман санитария-эпидемиологик оқсоқиллик ва жамоат саломатлиги бўлимнинг бактериология ла-

ТУШЛИҚДАН СЎНГ СОАТ 14.00 ЛАРДА ШОФИРКОН ТУМАНИГА ЭТИБ БОРДИМ. ТУМАННИНГ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИДА 1998 ЙИЛДА БЕРИ НАВБАТЧИ ҲАМШИРА ВАЗИФАСИДА БИР ҲИССАДА ИШЛАБ КЕЛАЁТГАН ХОДИМА ЎТГАН ЙИЛНИНГ ДЕКАБРИДАН БОШЛАБ ИШ СОАТЛАРИ ЎЗИНИНГ РОЗИЛИГИСИЗ КАМАЙТИРИЛГАНЛИГИДАН НОРОЗИ БЎЛИБ, ВИЛОЯТ КЕНГАШИГА МУРОЖААТ ҚИЛГАН ЭДИ. УШБУ МАСАЛАНИ ЎРГАНИШГА БИРОЗ ҲИССАДА ИШЛАБ КЕЛГАН Г.САЙФУДИНОВНИНГ МЕХНАТГА ЛАЁҚАТСИЗЛИК ВА РАҚАЛАРИ БЎЙИЧА ТЎЛАНМАГАН ТЎЛОВЛАРИНИ УНДИРИШ ЮЗАСИДАН КЎРСАТМА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН БАНД БЎЛДИМ. Шундай қилиб меҳнат инспектори сифатидаги яна бир кунлик иш фаолиятим ниҳоясига етди. Бугунги ишимдан бироз бўлса-да қониқиш ҳиссини туйдим. Ахир муаммолари ҳал этилган инсонларнинг қувонч ва миннатдорликка тўла нигоҳларини кўришдан ортиқ хотиржамлик бахш этувчи ҳиссиёт борми дунёда?!

Сўзим аввалида «Сиз Меҳнат кодексиданмисиз?» деган савол берган мурожаатчи ҳақида гапирган эдим. Унинг бу саволига мен аслида шундай жавоб қайтаришни ортардим: «таърифда бироз адашдингиз: мен – Меҳнат кодексидан эмас, Меҳнат кодексининг посбониман!»

Ҳамро ЧОРИЕВ,  
Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори



## Жамоа шартномасини қайтадан тузамизми?

САВОЛ: Янги таҳрирда қабул қилинган Меҳнат кодекси 2023 йил 30 апрелдан кучга киради. Энди ташкилотимиз жамоа шартномасини қайтадан тузишимиз керакми ёки амалдагисидан фойдаланаверимизми?

Соҳиб ОМОНБОВ

Самарқанд шаҳри


ЖАВОБ: Жамоа шартномаси бошланғич даражадаги ижтимоий шерикликнинг энг муҳим ҳужжати ҳисобланади ва унга Меҳнат кодексининг алоҳида боби бағишланган.

Айни вақтда, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бево-сита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш соҳасида ижтимоий шериклик имкониятларини кенгайтди. Шу муносабат билан мазкур кодексда илгариги кодексда мавжуд бўлмаган ҳамда мазмун-моҳияти тубдан ўз-

гарган қоидалар белгиланди. Қолаверса, корхона-ташкilotларда қабул қилинадиган ҳар қандай локал ҳужжат, шу жумладан, жамоа шартномаси ҳам амалдаги қонунларга зид бўлмаслиги керак.

Шу сабабли, ташкilotингизнинг жамоа шартномасини қайта кўриб чиқиб, уни янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига мувофиқлаштирган ҳолда қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан ишлаб чиқилиб, шу йил февраль ойида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида эълон



## Сўранг, жавоб берамиз

ЖАВОБ: Ҳақиқатан ҳам янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига транспорт ходимлари меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишининг ўзига хос хусусиятлари бир қатор қоидалар белгиланган.

Хусусан, транспорт воситаларини бошқариш ёки транспорт воситаларининг ҳаракатланишини бошқариш билан шуғулланувчи ходимлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишилган ҳолда тасдиқланган транспорт воситаларини бошқариш ёки транспорт воситаларининг ҳаракатланишини бошқариш билан бево-сита боғлиқ ишлар, касблар, лавозимлар рўйхатига мувофиқ бошқа ходимлар транспорт ходимлари ҳисобланади.

Транспорт воситаларини бошқариш ёки транспорт воситаларининг ҳаракатланишини бошқариш билан боғлиқ ишларга касбий тайёргарликдан ўтган ва касбий тайёргарликдан ўтганлиги тегишли ҳужжат (диплом, шаҳодат-

қилинган жамоа шартномаларини тузиш бўйича тавсиялар ҳамда уларга илова қилинган жамоа шартномаси макетидан бемалол фойдаланишингиз мумкин. Таъкидлаш керакки, ушбу тавсиялар ва макет мазмуни умумий тусга эга. Ҳар бир иш берувчи ва касба уюшма кўмитаси фаолият соҳаси ва тури, ишлаб чиқариш шароитлари ва ташкил этилиши, иш тартиби, турли тоифадаги ходимлар меҳнатидан фойдаланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, жамоа шартномасига ташкilot фаолияти учун зарур бўлган нормаларни киритиши мақсадга мувофиқдир.

## Транспортчилар меҳнатини тартибга солишда қандай қоидалар белгиланди?

САВОЛ: Автобус ҳайдовчисман. Эшитишимча, янги таҳрирда қабул қилинган Меҳнат кодексига транспорт ходимлари меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга оид қоидалар киритилибди. У нималардан иборат?

Бобур ЭРМОНОВ

Тошкент шаҳри

нома, гувоҳнома ва ҳоказо) билан тасдиқланган шахслар қабул қилинади ва (дастлабки) ва иш жараёнида (даврий) мажбурий тиббий куриклардан ўтади. Уларга транспорт воситаларини бошқариш ёки транспорт воситаларининг ҳаракатланишини бошқариш билан бево-сита боғлиқ бўлган ишда ўриндошлик асосида ишлашга ружсат этилмайди.

Транспорт ходимларининг меҳнатини қўллаш чоғида иш берувчилар маз-

кур ходимлар учун қонунчиликда белгиланган иш вақти ва дам олиш вақти режими, меҳнат шароитларининг ўзига хос хусусиятларига риоя этиши шарт.

Транспорт ходимларининг интизоми ушбу Кодекс ва бошқа қонунлар, шунингдек, интизом тўғрисидаги уставлар бўйича (низоомларда) тартибга солинади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими





# ЯНА 100 НАФАРГА ЯҚИН ХОДИМ

касба уюшма аъзолигига қабул қилинди

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши нодавлат сектор тизимидаги хўжалик субъектларида касба уюшмасининг янги ташкилотларини тузиш ҳамда ишловчи ходимларни аъзоликка жалб этиш бўйича

бир қатор чораларни амалга оширмоқда. – Тармоққа тегишли бўлган нодавлат сектор тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар тўғрисидаги маълумотлар олиниб, ушбу хўжалик субъектларида касба уюшмаси

## Фаолият

